**Ушбу сонда:** **2** ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ | **3** МОЛ ЖОЙИДА АЗИЗ...МИ? ёхуд Олтинсой бозорларида нега узум кам? | **4** ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 19 октябр, шанба №166 (1383)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ТАШРИФИ

18 октябр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Таъкидламоқ керакки, бу жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот раҳбарининг мамлакатимизга ва умуман Марказий Осиё давлатларига илк бор қадам ранжида қилиши. Шу жиҳатдан ҳам ташрифни тарихий воқеа сифатида баҳолаш мумкин.



«Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу Ўзбекистон ва умуман минтақамиздаги вазият билан яқиндан танишиш, долзарб муаммолар юзасидан бафуржа фикр алмашиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

Музокара якунларига бағишланган матбуот анжуманида Ислом Каримов суҳбат очиқ ва самимий руҳда ўтганини, томонлар кўплаб масалалар юзасидан фикрлашганини маълум қилди.

- Мулоқотимиз давомида эътибор қаратилмаган масала қолмади ҳисоб, - деди Президент. - Террорчиликка қарши кураш, минтақавий хавфсизлик, Орол муаммоси, тараққиёт масалалари, Ўзбекистон-БМТ муносабатлари теран таҳлил этилди. Биз Кофи Аннанни нафақат БМТ Бош котиби сифатидаги расмий шахс, балки Нобелнинг Тинчлик мукофотига сазовор бўлган йирик сиёсат ва жамоат арбоби сифатида ҳам ҳурмат қиламиз. У билан суҳбат давомида БМТ Ўзбекистон ва Марказий Осиёга оид масалалар билан жиддий шуғулланаётганига амин бўлдим.

Кофи Аннан мулоқот давомида минтақамиздаги сув захираларидан унумли фойдаланиш, давлат бошқаруви, инсон ҳуқуқлари каби соҳалар бўйича ҳам кенг кўламда фикр алмашилганини маълум қилди. Ўзбекистон-БМТ муносабатлари шиддат билан ривожланаётганидан мамнуниятини изҳор этиб, келгусида бу алоқалар янада ривожланишига умид билдирди.

- Ўтиш даври - мураккаб давр, - деди БМТ Бош котиби. -Марказий Осиё бўйлаб сафарим давомида минтақанинг барча мамлакатларига бориб, мавжуд вазият билан яқиндан танишиш, давлат раҳбарларининг фикрларини ўрганиш имконияти туғилганидан мамнунман. Шунингдек, шонли тарихга эга бўлган Ўзбекистоннинг қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат этиш чоғида мамлакатингиз билан, халқингиз билан янада яқинроқ танишаман, деган умиддаман.

Матбуот анжуманида Ўзбекистоннинг БМТни ислоҳ қилиш борасидаги ташаббуслари ҳаётда қай даражада ўз аксини топаётгани борасидаги саволга жавоб берар экан Президент Ислом Каримов, БМТни ислоҳ қилишга эҳтиёж катта эканлигини таъкидлади.

Ташкилот ярим аср аввал тузилган. Ҳозир эса воқеълик, муаммолар, дунёнинг сиёсий ва иқтисодий харитаси, умуман, вазият тамомила бошқача. БМТ уларга мослашиши, ҳар бир масалага имкон қадар самарали ечим топиш учун замонавий ёндашув йўлларини излашга шай бўлиши керак. Марказий Осиё нуқтаи назаридан олганда, гуманитар соҳадаги алоқалар, Оролбўйидаги вазиятни яхшилаш, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида БМТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Лекин хавфсизлик, хусусан, минтақада террор ва экстремизм таҳдиди кучайишининг олдини олиш борасидаги ҳамкорлик самара бермади. БМТ Хавфсизлик кенгашининг Афғонистонда «Толибон» ҳукмронлик қилган вақтларда толибларга нисбатан сиёсат бўйича қабул қилган резолюциялари амалда иш бермади. БМТ Хавфсизлик кенгаши розилиги билан АҚШ раҳбарлигидаги халқаро аксилтеррор коалицияси қўшни юртда террорчиларнинг уяларини тугатмаганида, ҳозиргача қандай вазият юзага келишини тасаввур қилиш ҳам қийин. БМТни ислоҳ этиш борасида ҳам амалий ўзгаришлар кўринмаяпти.

Кофи Аннан инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳамкорлик мавзуига оид саволга жавоб қайтарар экан, ташкилотнинг бош вазифаларидан бири ҳам демократик институтларни қўллаб-қувватлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилгани, Ислом Каримов билан мулоқот чоғида бу масала атрофлича муҳокама этилганини таъкидлади.

БМТ Бош котиби Ўзбекистонга уч кунлик расмий ташрифи доирасида Самарқанд ва Буxоро шаҳарларини зиёрат қилади.

**(ЎзА).**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

***Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош котиби Кофи Аннан раҳбарлигидаги делегация 18 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлди.***

- Ўзбекистон БМТ ҳамда унинг барча институтлари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор, - деди жумладан, Олий Мажлис раиси Эркин Халилов юксак меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан. - Ўзбекистонда БМТнинг кўплаб ташкилотлари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг раҳбарлигингизда мазкур халқаро ташкилотда амалга оширилаётган тузилмавий ислоҳотлар БМТнинг обрўсини янада оширишга хизмат қилади. БМТнинг минтақамизга эътибори йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам таҳсинга сазовордир.

- Пойтахтингиз Тошкентни кўриб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида БМТга аъзо бўлгандан кейин қай даражада тараққий этганига гувоҳ бўлдик,- деди ушбу ташкилот Бош котиби Кофи Аннан. - Бу ўзгаришлар мамлакатингизда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганига яққол далилдир. БМТ Ўзбекистоннинг минтақада ва сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган ташқи сиёсатини ва бу борада халқаро ҳамжамият билан фаол ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди.

Суҳбат чоғида меҳмонга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Парламентимиз фаолияти, хусусан, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди. Келгусида бу борада БМТ билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг январ-сентябр ойларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва республикада иқтисодий ислоҳотлар жараёнини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.***

***Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

***Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов бошқарди.***

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Р.Азимов маърузасида республикада ўтказилаётган ислоҳотлар иқтисодиётнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулот (103,0 фоиз), саноат маҳсулотлари (107,8 фоиз), қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш (101,7 фоиз), чакана товар айланиши (103,6 фоиз) ва аҳолиги пуллик хизмат кўрсатиш (112,0 фоиз) бўйича ўсиш имконини берганлиги таъкидланди. Давлат мулкчилик улушига эга зарар кўриб ишлаётган, тўловга лаёқатсиз ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш, уларни мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш, акционерлаштириш ва қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ҳамда амалга оширилмоқда. Шунингдек, бу борада нақд пулларнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, тадбиркорлик фаолиятидан тушаётган даромадларни юридик ва жисмоний шахслар томонидан яширишнинг олдини олишга оид тадбирлар ҳам амалга оширилаётир. Валюта сиёсати, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар билан икки томонлама муносабатлар жадал ривожланмоқда. Ер, сув, энергетика ресурсларидан фойдаланиш мониторинги тизими жорий қилинди ва уларнинг сарфланишини ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Аҳоли жон бошига пул даромадларининг ўсиши таъминланди ва Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури ва бошқа ижтимоий дастурлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга мажлисда соҳа тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятидан яхши фойдаланилмаётгани қайд этилди. Хорижий инвестицияга эга айрим корхоналар самарасиз фаолият юритмоқда. Корхоналарнинг айланма маблағларини маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бошқа мақсадларга жалб қилиш давом этмоқда. Бу ҳол Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида, айниқса яққол кўзга ташланмоқда. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатга олингандан сўнг ўз фаолиятини бошлашга боғлиқ тадбирлар асоссиз чўзилмоқда. Ташкил этилган савдо хизмати истеъмолчилар талаблари суръатидан орқада қолмоқда, рақобатбардош сифатга эга истеъмол товарлари турлари етарли даражада эмас. Маҳаллий корхоналар имкониятларидан самарали фойдаланилмаяпти. Капитал қурилиш соҳасида ислоҳотлар суръати етарли даражада эмас, асосий капиталга инвестиция қилинаётган маблағлардан самарали фойдаланиш механизми яратилмаган.

Ҳукумат мажлисида республика иқтисодиёти соҳалари ва ҳудудларини 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлаш аҳволи тўғрисидаги масала алоҳида кўриб чиқилди, танқидий нуқтаи назардан баҳоланди.

(Давоми 2-бетда)

## САМБО БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

***Пойтахтимиз нуфузли спорт мусобақалари марказига айланиб бормоқда. Ҳозир Тошкентда теннис бўйича Осиё чемпионати қизғин ўтаётир. Айни пайтда «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида самбо бўйича XI Осиё чемпионати очилди.***

- Пойтахтимиз яна бир йирик спорт байрамига мезбонлик қилмоқда, - деди давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Маҳситов. - Бу истиқлол йилларида Ўзбекистонда спортни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётганидан далолатдир.

Бунинг натижаси ўлароқ, спортчиларимиз хорижда ўтказилаётган деярли ҳар бир мусобақадан муносиб совринлар билан қайтмоқда. Куни кеча Пусанда якунланган Осиё ўйинларида спортчиларимиз 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза медаль жамғариб, қирқдан зиёд мамлакат орасида фахрли бешинчи ўринни эгаллади.

Анжуманда сўзга чиққан Халқаро самбо федерацияси президенти Михаил Тихомиров Ўзбекистонда спорт билан боғлиқ тадбирни юқори савияда ташкил этиш яхши анъанага айланганини алоҳида таъкидлади.

Самбо бўйича беллашувларда олтита давлатдан келган спортчилар гиламга чиқади.

Чемпионат 21 октябрь куни якунланади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз*

## «ҚОРАКЎЛТЕКС»НИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

***1987 йилнинг 17 мартида Бухорода ингичка толали пахтадан трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган ип-йигирув фабрикаси ташкил этилди. Бу ерда бундай ингичка толали пахта етиштириш йўлга қўйилмаганлиги учун хом ашё Сурхондарё, Жиззах каби вилоятлардан ташиб келтирилар, калава ип тўқилгач, Андижондаги трикотаж фабрикасига жўнатиларди. Эскирган дастгоҳлар тез-тез ишдан чиқиб, режалар бажарилмай, маҳсулот сифати ёмонлашиб борарди.***

Шундан сўнг ускуналар маҳаллий пахтадан калава ип тўқишга мослаштирилди. Қўрилган тадбирлар барибир кутилган самарани бермади. Шунинг учун ҳам 2001 йилнинг 24 мартида фабрика ўрнида «Қоракўлтекс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасига асос солинди. 170 миллион сўмлик қурилиш-ускуналаш ишлари амалга оширилди.

Қўшма корхона «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти ва Американинг «Делфи ЛЛС» компанияси томонидан имзоланган шартномага мувофиқ таъсис этилган. Унинг умумий қиймати 10.5 миллион АҚШ долларига тенг. Тайёрланган маҳсулотлар Корея, Италия, Россия, Германия оингари хорижий давлатларга жўнатилади, бир қисми эса ички бозорда сотилади.

Илғор технология ва жараёнлар корхонада ишлаётган 415 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимлар томонидан бенуқсон бажарилмоқда. Германиянинг «ТРЮТЧЛЕР», «ЛТГ инжениринг» CSM ,«ШЛАФХОРСТ» заводлари, Чехия давлатининг «ЭЛИТЕКС» фирмаси дастгоҳлари ўрнатилган. Пахтани титиш — савашдан тортиб, тараш, пиликлаш, йигириш ва калавалашгача бўлган барча жараёнлар ягона халқа бўйлаб компьютер тизимида бошқарилади. Дастгоҳлар олдида турган оператор иш маромини синчковлик билан назорат қилади. Энг муҳими, жисмоний толиқиш барҳам топди, одамларнинг меҳнатга онгли муносабати шаклланган.

Корхонада 2001 йилда 2935 тонна калава ип ишлаб чиқарилди. 2675 тонна маҳсулот сотилди, шундан 114,9 тоннаси экспорт қилинди. Ички бозорга 2 миллиард 400 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

— 2003 йилга бориб тўла қувват билан ишлай бошлаймиз, — дейди корхона раҳбари Меҳриддин Мансуров. — Ишчиларимиз «Бухоротекс»да Тошкент ва бошқа йирик шаҳарлардаги ип-йигирув фабрикаларида малака оширдилар. Ҳиндистонлик мутахассис Ранжа Мохнанд ходимларга ишлаб чиқариш технологиясини ўргатди. Интернет тизимига уланганлиги туфайли ривожланган мамлакатлар «Қоракўлтекс» маҳсулотларидан воқиф бўлишаяпти.

Яқинда Россиянинг «Трехгорная мануфактура» корхонасидан сифатли калава ип етказиб берилганлиги учун жамоага миннатдорчилик мактуби келди. Айни кунларда бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам «Қоракўлтекс» маҳсулотларига талаб кўпаймоқда.

Корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Эргашой Рўзиева ташкилотчи, ташаббускор ва тиниб-тинчимас аёл. Доимо одамлар орасида цех ва участкаларда учратасиз. У ташкилотга уюшган 418 нафар аъзосининг ҳаёти ва турмуши учун қайғуради.

Ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг унумли меҳнат қилишлари учун ҳамма қулайликлар яратилган. Уларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 35 минг сўмни ташкил этади. Ўтган ойда 135 миллион сўмлик соф фойда олинди.

Ходимларга бир маҳал бепул иссиқ овқат берилади. Бунинг учун ўтган даврда 22 миллион сўм маблағ сарфланди. 300 минг сўмлик дори-дармонлар олиб берилди. О.Холиқов раҳбарлик қилаётган тиббий санитария бўлими одамларнинг соғлигидан ҳамиша хабардор. Ечиниш, ювиниш, санитария-гигиена хоналари, ошхона, чойхона ишчилар хизматида.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги учун 32 миллион сўм маблағ харажат қилинди. Кам даромадли оилаларнинг фарзандларига 4 миллион 150 минг сўмлик дарслик тарқатилди.

«Қариялар чойхонаси» қурилишига 600 минг, «Шошилинч тиббий ёрдам маркази» туман бўлимини жиҳозлашга 250 минг, ишчи-хизматчилар, инженер, техник-ходимларни мукофотлашга 1 миллион сўмлик маблағ сарфланди. «Мурувват уйи»га ёстиқ, жилдлар ва чойшаблар тақдим этилди.

Модельер Муниса Сафарова, бригада етакчиси Акбар Ҳайитов, уста ёрдамчиси Жамшид Абдуллаев, смена бошлиғи Зулфия Раҳматова, лаборант Насиба Юсупова, йигирувчилар Тозагул Бобомуродова, Сайҳа Тоҳирова, Хумор Ғаниева, Неля Хомидовалар жамоанинг фахри ҳисобланишади.

Яна бир хориж сармоясини киритиш орқали корхонада тикув фабрикасини ишга тушириш лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Бу эса қўшимча 200 та ишчи ўрни яратилишига имкон беради. «Қоракўлтекс» тимсолида мамлакатимиз пахтасидан тайёрланган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин олаётганлигини кўриш мумкин.

**Н. ТИЛЛАЕВ.**

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ... КЎЧАДА-МИ?

*«Ишонч» фош этади*

Жиззах вилоятида 34 та ўрта-махсус касб-ҳунар таълими маскани фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти эски биноларда жойлашгани учун таъмирталаб бўлиб қолган. Асосий ўқув жиҳозлари маънан эскирган. Талабалар ётоқхоналарида етарлича шарт-шароит йўқ.

Шулар эътиборга олиниб, жорий йил бошидан бир қатор ўқув юртлари биноларини реконструкциялаш ва янгитдан қуриш ишлари бошланди.

Режа-топшириққа кўра Арнасой маиший хизмат, Жиззах индустриал, Бўстон касб-ҳунар коллежи ҳамда Жиззах тиббиёт коллежи янги ўқув йилигача тахт ҳолга келиши лозим эди. Лекин бундай бўлмади. Бу билим масканларида ҳалигача қурилиш ишлари поёнига етгани йўқ.

Жиззах тиббиёт коллежида бўлиб, аҳвол билан яқиндан танишдик. Бош пудратчи ташкилот — Г.Оганесян раҳбарлигидаги «Дор-Бат» хусусий фирмаси (Тошкент ш.) 760 миллион ўрнига 505 миллион 763 минг сўмлик иш бажарган. 9 та субпудратчи қурилиш ташкилотларида 50 нафар қурувчи фаолият кўрсатяпти. Бироқ, бош пудратчи томонидан иш фронти яратиб берилмаётгани туфайли уларнинг бекор туриб қолиш ҳоллари кузатилаяпти. Айрим ҳолларда бош пудратчининг керакли маблағни ўз вақтида ажратиб бермаслиги ҳам ишнинг олға силжишига халал бермоқда. Масалан, «Эзгу-М» хусусий фирмаси 34 миллион сўмлик иш бажарган бўлса-да, унга 16 миллион сўм маблағ ажратилган.

Буюртмачи — вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси масъул ходими Нарзулла Хайруллаевнинг фикрича, бош пудратчининг ишни тўғри ва аниқ режа асосида ташкил эта билмаслиги қолоқликни юзага келтирмоқда. Ходимлар қўнимсизлиги ҳам ишга тўғаноқ бўляпти. Бу ерга кўплаб қурувчилар касб ўрганиш учун келаётгандек назаримизда. Иш фронти йўқлиги туфайли икки сменали иш ташкил этилмаяпти.

Кези келганда, лойиҳа ишларига ички тузатишлар киритиш кўпайиб кетганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Масалан, коллеж раҳбарларининг 200 ўринли ётоқхонани қисқартириб, ўрнига синфхоналар қилиш, спорт зали қуриш, шаҳар архитектура бўлимининг бино ташқи кўринишига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш каби талаблари анча қимматга тушиб, вақтнинг беҳуда сарф бўлишига олиб келаяпти.

Мана икки ойдирки, коллеж талабалари ҳаётида ҳаловат йўқ. Ўқув машғулотлари кўчада олиб борилмоқда. Қурилиш ишлари бўлса аччиқ ичакдек чўзилгани чўзилган. Қурилиш шу тарзда давом этадиган бўлса, талабалар дарсларни қор устида ўтириб тинглашлари ҳам ҳеч гап эмас.

Вилоят касб-ҳунар ўқув юртларида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари суст олиб борилмоқда. Ўқув бинолари томларини, мавжуд иситиш қозонхоналарини таъмирлаш ҳалигача тугалланмаган. Бу ишлар Жиззах-2 касб-ҳунар мактабида, Янгиобод КХМда 50, Жиззах енгил саноат коллежида 40 фоизга таъминланган, холос.

Янгиобод қишлоқ касб-ҳунар коллежида 70 тонна кўмир тайёрлаш зарурати бўлгани ҳолда бу ишга ҳанузгача киришилмаган. Вақт эса шоширмоқда.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

**(Боши 1-бетда)**

Мажлисда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори У.Холмуҳамедов, «Ўзбекнефтгаз» компанияси раиси Э.Саидаҳмедов, «Ўзкимёсаноат» компанияси раиси У.Ҳасанов, «Ўзбекэнерго» компанияси раиси Э.Шоисматов, халқ таълими вазири Р.Жўраев, Тошкент (Мирзақулов), Наманган (Жабборов) вилоятлари ҳокимларининг ахбороти тингланди. Таъкидландики, республикада иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжини табиий газ, ёқилғи мазути, қозон-печка ёқилғиси ва электрэнергия билан таъминлаш бўйича чоралар қабул қилинди ҳамда электрстанциялар, иссиқлик электр марказлари, электр тармоқли объектларнинг асосий технологик асбоб-ускуналарини капитал ва жорий таъмирлаш амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш, таълим, тураржой-коммунал хўжалиги объектларини қишки шароитларда ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди.

Шунингдек, айрим соҳаларга оид идоралар, ҳокимликлар ва ҳудудий комиссиялар томонидан иқтисодиёт тармоқларини 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича тадбирларнинг тўлиқ бажарилиши таъминланмаган. «Ўзбекнефтгаз», «Ўзнефтмаҳсулот» компаниялари, «Кўмир» акционерлик бирлашмаси томонидан саноат, ижтимоий соҳалар ва аҳолини суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан таъминлаш борасидаги ишлар ниҳоясига етказилмаган. «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни, «Ўзкимёсаноат» давлат акционерлик компанияси, «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси тизимларида ёқилғи мазутларининг керакли захираси ташкил этилмаган.

Тураржой фондини капитал таъмирлаш Самарқанд вилоятида -36,2 фоиз, Тошкент вилоятида - 45,4 фоиз, Наманган вилоятида -43,5 фоиз, қозонларни капитал таъмирлаш Бухоро вилоятида - 85,0 фоиз, Наманган вилоятида - 90,3 фоизга амалга оширилган. Ижтимоий соҳа учун кўмир тайёрлаш Тошкент вилоятида - 70 фоиз, Наманган вилоятида - 81 фоиз, Самарқанд вилоятида - 68 фоиз, суюқ ёқилғи тайёрлаш Тошкент вилоятида - 36,2 фоиз, Наманган вилоятида - 75,1 фоиз, Хоразм вилоятида - 76,1 фоизга бажарилган ва жиддий оқсоқликка йўл қўйилган.

Халқ таълими тизимида мактаблар кўмир билан - 71 фоиз, суюқ ёқилғи билан - 32 фоизга таъминланган бўлса, соғлиқни сақлаш муассасаларида бу кўрсаткич 39 фоизга тенг.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги жойлардаги ҳокимликлар билан ҳамкорликда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид чора-тадбирларни етарли даражада амалга оширилишини таъминламаяпти. Кўпчилик уй-жой мулк эгалари ширкатлари расман фаолият юритса-да, тураржой фондини қишга тайёрлаш бўйича шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаяпти. Аҳолининг кўрсатилган хизматлар учун кредиторлик қарздорлиги юқорилигича қолмоқда.

Республикада 2002 йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ширадор озуқа (30 фоиз), силос (68,8 фоиз) кам тайёрланган. Сирдарё вилояти хўжаликлари (76,9 фоиз), Жиззах вилояти хўжаликлари (81 фоиз), Хоразм вилояти хўжаликлари (81,5 фоиз) ва Бухоро вилояти хўжаликлари (87 фоиз) озуқаларни керакли миқдорда таъминлай олмаган ва бу борадаги ишлар суръатини пасайтириб юборган. 10,7 минг гектар майдондаги маккажўхори ва 4 минг гектар майдондаги озуқа лавлагисини йиғиштириб олиш ниҳоясига етказилмаган. Самарқанд вилояти хўжаликлари (17 фоиз), Фарғона вилояти хўжаликлари (67 фоиз) ва Хоразм вилояти хўжаликлари (73 фоиз) маккажўхорини йиғиштириб олишда ортда қолмоқда.

Иқтисодиёт соҳаларини 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш бўйича республика комиссияси топшириқларини бажаришда йўл қўйган камчиликлари учун «Ўзкимёсаноат» ДАК раиси (Ҳасанов), Наманган вилояти ҳокими ўринбосари (Фозилов) ва Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари (Тўрабеков)-га ҳайфсан эълон қилинди. Шунингдек, Тошкент (Мирзақулов) ва Наманган (Жабборов) вилоятлари ҳокимлари саноат ва ижтимоий объектларни 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича ишлар етарли даражада назорат қилинмагани ва тўғри ташкил этилмагани, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ислоҳотларни амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар учун қатъий огоҳлантирилди.

Иқтисодиёт соҳалари ва республика ҳокимликлари раҳбарлари эътибори 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, қозонлар, уй-жой фонди иссиқлик тармоқларини жорий ва капитал таъмирлашни ўз вақтида ўтказиш, қаттиқ ва суюқ ёқилғи тайёрлашда қолоқликка йўл қўйилганига қаратилди. Мажлисда жорий йилнинг 1 ноябригача кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ва кўзда тутилган ишлар мажмуи якунлангани тўғрисида Иқтисодиёт тармоқларини 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича республика комиссиясига ахборот бериш топширилди.

Мажлисда 2002 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш, 2003 йилги бошоқли дон экинлари ҳосили учун кузги-қишки агротехник тадбирларни амалга оширишнинг бориши юзасидан қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари С.Бегалиевнинг ахбороти тингланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» ва «Ўзагромашсервис» уюшмалари, «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорациясига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларидаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнини ўрганиш вақтида берилган топшириқларни бажариш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, пахта йиғим-терими, шоли ўрими ва 2003 йилги бошоқли дон экинлари ҳосили учун кузги-қишки агротехник тадбирларни ўтказишни тезроқ тугаллаш юзасидан мавжуд ресурс ҳамда имкониятларни сафарбар қилиш вазифаси юклатилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# *Она тилим - жону дилим*

## МАДАНИЯТИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Шўролар даврида Олий Совет мажлислари, партия съездлари, ҳатто барча корхонадаги йиғинларда, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат муаммоларига бағишланган мажлислар рус тилида олиб бориларди. Камина бир адабиётшунос, тарихчи олим ва ёзувчи сифатида шуни эслайманки, она тилимизнинг заргарлари ва посбонлари бўлмиш адиблар ва шоирлар ҳам Ёзувчилар уюшмасининг кўпчилик мажлисларида маъруза, муҳокама ва мунозарани бошқа тилда олиб боришарди. Ўзбек тилини ривожлантириш ҳақида ҳам она тилида гапирилмасди. Кино санъатида ўзбек режиссёрлари Комил Ёрматов, Шуҳрат Аббосов, Йўлдош Аъзамов, Али Хамроевларнинг халқ ҳаётига доир бадиий фильмлари ҳам аввал рус тилида «овозлантириб» Москвага олиб борилар, у ердаги «устозлар» маъқулласагина, Ўзбекистон экранларида намойиш этиларди. Ўзбек актёрларининг сўзлари яна ўзбек тилига таржима қилинарди. Янада .ажабланарли жойи, Ўзбекистон нашриётида келгуси йиллар учун тузилган режалар барчаси ўзга тилда нашр этиларди. Агар шундай қилинмаса, ўша вақтларда бу план-режалар ўзбекча тузилса, юқори ташкилотлар буларни тасдиқламас эдилар. «Алишер Навоий», «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддин Бухорода», «Амирликнинг емирилиши», «Ўтган кунлар», «Мафтунингман» каби миллий руҳдаги бадиий фильмлар ҳам даставвал рус тилида «ижро» қилинган.

Янада қизиқроғи ўзбек халқининг маънавий олами ҳақидаги бадиий фильмларнинг асоси — сценарийларни оврўполиклар ёзишарди, улар эса халқимиз қалбидаги миллий қадр-қиммат, миллий ғururга ўрин қолдиришмасди. «Наташахоним», «Уч терак кўчаси», «Нафосат», «Оқ лайлаклар» каби бадиий фильмларда ўзбек фарзандлари оврўполиклар ёрдами билан «маданият»га эришаётгани, миллий урф-одатларимиз эса ўта «маданиятсизлик», «эскилик сарқити» қилиб тасвирланар эди.

Политехника университетида этика ва аҳлоқ илми, эстетика-нафосатшуносликдан дарс ўтиб юрган вақтимда бир неча мажлисларда «Қоида»га хилоф равишда ўзбек тилида гапирганимда, мени танқид қилишганда тарихий далиллар билан «айбнома»ни инкор этганман. Далилларим шу эдики, 1875-1916 йилларда В.Вяткин, Н.Ликошин, В. Бартольд ва бошқа атоқли олимлар ўзбек тилини сувдай билган ҳамда кўпчилик «меҳмон»лар ўргансин, деб ўзбек тилида яхшигина дарсликлар ёзганлар. Бу жиҳатдан ўзбек тили ва адабиётини чуқур билган, севиб ўрганган Е.Э.Бертельс, П.Решетов каби атоқли олимларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатдим.

Тўғри, аввалроқ ўтган миллий зиёлиларимиз, кейинги авлод ўзбек маданияти, тили ва адабиётининг устунлари Ойбек, Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода, Асқад Мухтор, Мирзакалон Исмоилий ва бошқа атоқли зиёлиларимиз рус тилини чуқур билганлари ҳолда, она тилимизнинг бойликлари, қадр-қиммати учун курашдилар. Бу ўзбек адиблари Оврупо ва рус адабиёти дурдоналари В.Шекспир, Н.В.Гогол, А.С.Пушкин, М.Лермонтов, И.С.Тургенев, Ф.М.Достоевский, Л.Н.Толстой асарларини, Абдулла Орипов А.Дантенинг «Илоҳий комедия»сини, Эркин Воҳидов И.В.Гётенинг «Фауст» драматик достонини, Қодир Мирмуҳамедов Ж.Бокаччонинг «Декамерон», Гомернинг «Илиада», М.Бульгаковнинг «Уста ва Маргарита» каби шоҳ асарларини ўзбекчага қойилмақом таржима қилиб, ўзбек тилининг бойлигини, қудратини, нафислигини халқимизга бор бўйи билан танитдилар.

Миллий Истиқлол арафасида халқимизнинг истак-хоҳиши эътиборга олиниб, ўзбек тилининг давлат тили деб эълон қилиниши фақат ҳозирги авлоднинггина эмас, балки Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Саккокий, Лутфий, Навоий, Машраб, Сўфи Оллоёр, Мунис, Комил, Аваз Ўтар тилининг, бутун кўп асрли маданиятимизнинг ғалабаси деб билиш лозим. Она тилимиз Истиқлол даврида яна давлатимиз ва жаҳон манбааларидан муносиб ўрин олди.

**Маҳкам МАҲМУД.**

## ТАФАККУР БЕШИГИ

***Ҳар бир халқ тили инсонларнинг ижодий қудратини белгилаш билан бир қаторда, тушуниб етиш ва объектив воқеликни ўзида акс эттиришнинг кўп асрлик тарихи ҳақидаги ниҳоятда қизиқарли ҳикоя ва қиссаларни ўзида сақлаб қолади.***

Тилда борлиқнинг акс этиш жараёни ўзининг ниҳоятда мураккаблиги билан ажралиб туради. Халқнинг турмуш тарзи, географик муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳоказолар тилда у ёки бу сўз ва ибораларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу ҳодисани биринчи бўлиб XI асрда яшаб ўтган Маҳмуд Қошғарий асослаб берган. Унинг «Девони луғотит-турк» асарида кўпчилик сўзларга берган изоҳлари тилшуносларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Масалан, улар ичида «йалма» ва «даг» сўзларига берилган изоҳлар характерли хусусиятга эгадир. Маҳмуд Қошғарий қуйидагича изоҳлайди: «йалма» — «пахта чопон». Бу сўз турк тилидан форс тилига ўзлаштирилган. Ҳеч ким бу сўзни турк тилига форс тилидан кириб келган, деб тасдиқлай олмайди. Аслида, бу сўз форс тилида сўзлашувчи халқлардан анча узоқларда яшовчи турк халқига хосдир. Турклар мамлакатида қор, ёмғирлар кўп бўлган. Шунинг учун ҳам улар форсларга қараганда совуқдан асрайдиган иссиқ кийимларга кўпроқ эҳтиёж сезганлар. «Даг» сўзи қуйидагича изоҳланган: «даг» — белги, молларга қўйиладиган тамға. Форслар бу сўзни турклардан ўзлаштириб олган. Форслар қорамолчилик билан шуғулланмаган, шунинг учун ҳам улар бундай сўзларга муҳтожлик сезмаган. Ҳозирги замон фанида бундай масала рус академиги, машҳур туркшунос А.Кононов ва ўзбек профессори Х.Ниғматовнинг ишларида чуқур таҳлил қилинган.

Тил тарихида икки асосий йўналиш, яъни дифференциация (тилларнинг бўлиниши) ва интеграфия (тилларнинг чатишиши)ни қайд этиш лозим. Бу жараённинг фаоллашуви ва иккинчисининг тўхтаб қолиши маълум бир тил эгалари жамоасининг ҳаётий талаби деб қаралади. Тарих шу нарсани кўрсатадики, қабила ва халқларнинг бўлиниб кетиши тилларнинг ҳам шеваларга ва мустақил тилларга бўлиниб кетишига олиб келади. Бошқача қилиб айтганда,, тил тарихи қабила ва халқлар тарихидан келиб чиқади.

Кишиларнинг ўз она тилларига бўлган чексиз боғланиши тиллар тизимида, ҳар бир халқ тилида миллий ўзига хосликни ташкил этадиган образли тафаккурнинг такрорланмас бирикмалари мавжудлиги билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам этник жиҳатдан ўз-ўзини англаш, биринчи навбатда, она тилидан бошланиши бежиз эмас.

Этник мансублик энг асосий ижтимоий тилшунослик тушунчаларидан бири бўлиб ҳисобланади. У кишиларнинг ўз шахсини ўзи англаши билан боғлиқ бўлиб, у «ўзига яраша маданий муҳит»га ўз таъсирини ўтказади.

Она тилини ҳис қилишда тилнинг этник характери ёрқин намоён бўлади, чунки ҳар бир халқ тили миллий ҳис-туйғулар ва миллий ўзлигини англаш билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, ўзбек шеърияти мулкининг султони Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») асарида ўзбек (турк) тилидаги форс тилидан қолишмайдиган бадиий тасвир воситаларининг кенг имкониятларини кўрсатиб берган.

Алишер Навоий ўзбек тилининг адабий тил сифатида нуфузини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Бунда у айниқса, она тилининг чуқур имкониятларини аниқлашдаги мураккабликларни ажратиб кўрсатди. Шоирнинг теран этнолингвистик қарашлари, яъни биринчилардан бўлиб ўзбек тилининг бой синонимик имкониятларини очиб бериши ва феъл тизимида баъзи сўзларнинг форс тили воситалари ёрдамида қайта тасвирлаш мураккабликларини ўзида акс эттирадиган чуқур семантикасини кўрсатиб бериши муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, шоирнинг коинот, инсон ва ҳаёт мураккабликлари ҳамда билишнинг юқори чўққисини ифодалайдиган ўзбек тили атамалари борасидаги қарашлари ҳам қимматлидир.

Миллийлик умуминсонийликнинг бир қисми, ҳар бир миллий маданият ўз навбатида умуминсоний маданият кўринишининг шакли эканлиги, яъни унинг замонавий нуқтаи назардан инсон фаолиятининг ўзига хос усули эканлиги шубҳасиздир. Бошқача қилиб айтганда, этник маданият турли халқлар фаолиятининг асосий жиҳати ҳисобланиб, ундан инсонлар муайян шарт-шароитларда табиий ва ижтимоий маданиятга мослашадилар.

Америкалик буюк тилшунос У.Вайнрайх бундай деб ёзганида шубҳасиз ҳақ эди: «Тил халқ ғоялари билан боғлиқ ҳолда миллий ватанпарварлик туйғуларини пайдо қилади. Тил моддий ҳақиқат сифатида бошқа тиллар билан таққосланганда қотиб қолмаганлик жиҳатидан баҳоланади. Тилни ҳалокатдан сақлаб қолишда бу туйғу муҳим куч сифатида таъсир қилиб, уни буюк тилга айлантиради».

**Татьяна БУШУЙ,**
**Самарқанд чет тиллари институти тилшуноси.**





## «ДАРДИГА АНИ ШАҲДИ ЛАБИНГ ҚИЛДИМУ ДАВО...»

*Бир ғазал шарҳи*

***Ҳуснинг гули то бўлди жаҳон мулкида пайдо,***
***эй шўхи паризод,***
***Солди ани ишқи бошима кулфати савдо,***
***қилғин манга имдод.***
***Билмам, на сифат одам эдинг ноз фанида,***
***эй кўзлари шаҳло,***
***Қилдинг мани бир боқиш ила ҳуснингга шайдо,***
***жилва қилиб ижод.***
***Лайли била Ширин чу эмас ёрима монанд***
***бир зарра ҳам, аҳбоб,***
***Ман бирла қачон тенг бўлур ишқ ичра жаҳонда***
***Мажнун ила Фарҳод.***
***Сийнамда чу этди бу кўнгил мулкини вайрон***
***ёндирғали жоним,***
***Энди анга раҳм айлабон, эй дилбари барно***
***қилғил ани обод.***
***Чокар ғами ишқингда қачон бўлса гирифтор,***
***ишқ ичра балокаш,***
***Дардига ани шаҳди лабинг қилдиму даво,***
***эй қомати шамшод?!***

Истеъдодли шоир Чокарнинг ушбу шеъри «Мустаҳзод» номи билан ярим асрдан ортиқ вақтдан буён халқ ҳофизлари томонидан куйланиб келинади. У бугунги кунда ҳам машҳур қўшиқларимиздан: радио ва телевидениедан тез-тез таралиб туради, тўйлар, базмлар, турли тантаналарда севиб ижро этилади.

Чокар гарчи ўтган асрнинг ўрталарида яшаган бўлса-да, унинг қаламига мансуб «Мустаҳзод» мумтоз шоирларнинг шеърларини ёдга солади. Чунки унда маъшуқа анъанавий, мумтоз адабиётга хос тимсолу ташбеҳлар воситасида таъриф-тавсиф қилинади.

***Ҳуснинг гули то бўлди жаҳон мулкида пайдо,***
***эй шўхи паризод,***
***Солди ани ишқи бошима кулфати савдо,***
***қилғин манга имдод***

Албатта, Чокар мутасаввуф шоир бўлмаган. Лекин «Мустаҳзод» мумтоз шеърият анъаналари таъсирида ёзилганлигидан тасаввуфий томонга тортиб кетади. Чунки азалдан, туғилгандан ошиқлик фақат тасаввуф адабиётига хос: бу адабиётда ошиқ туғилганидан, азалдан ошиқ бўлади, юрагида беқиёс муҳаббат билан дунёга келади, гўдакликдан дарду балога улфат тутинади. Ўз навбатида, маъшуқа ҳам пайдо бўлгандан бошлаб ҳаммани ўзига ошиқ айлайди, жаҳонга офат солади. Бундай дейишимизнинг сабаби: келтирилган байт дунёвий талқинга унча бўй бермайди. Ахир, дунёвий ҳаётда қиз болага туғилган кунидан бошлаб ошиқ бўлиш ғайритабиий ҳол-да!

Кейинги байтни эса бемалол дунёвий талқин қилиш мумкин:

***Билмам, на сифат одам эдинг ноз фанида,***
***эй кўзлари шаҳло,***
***Қилдинг мани бир боқиш ила ҳуснингга шайдо***
***жилва қилиб ижод.***

Дарҳақиқат, бир қарашда муҳаббат пайдо бўлиши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Донишмандлар, айниқса, бир боқишда туғилган муҳаббатнинг давосини топиш қийин, дейдилар. Оташнафас Машраб бежизга:

«Бир жилвасига икки жаҳондин ўта қолдим» - демаган.

Фурқатнинг «Тортадур» радифли машҳур ғазали бор. Унда муҳаббатнинг бир қарашда туғилиши жуда гўзал бадиий тимсоллар орқали ифодаланган:

***Қошлари остида гўё икки фаттон кўзлари***
***Икки ҳинду баччадуркм, ёндашиб ё(й) тортадур.***

Маъшуқа қиё боқиши ёнма-ён турган икки ҳинд боласининг ёй тортишига қиёс қилинади. У нигоҳини олиши билан қорачиқлар ўз ўрнига қайтади. Бу - ёйнинг отилишига ўхшайди. Ёй ўқидан душман қулагани сингари маъшуқа нигоҳидан ошиқ кўнгли яраланади. Ярадор душман ғолибнинг қулига айлангани каби ярадор юрак ҳам энди бир қараш билан кўнглига ўт солган паривашнинг асири бўлиб қолади.

***Лайли била Ширин чу эмас ёрима монанд***
***бир зарра ҳам, аҳбоб.***
***Ман бирла қачон тенг бўлур ишқ ичра жаҳонда***
***Мажнун ила Фарҳод.***

Бу ўхшатиш ҳам мумтоз адабиётимиз анъаналари таъсирида вужудга келган. Яъни: «Эй дўстлар, ишқ бобида жаҳонда менга Мажнун билан Фарҳод сира тенглашолмагани сингари Лайли билан Ширин ҳам ҳусн жиҳатидан ёримга яқинлашолмайди».

Бундай мазмундаги фикрларни биз мумтоз шоирлар ижодида кўп учратамиз. Чунончи, Машраб:

***Фарҳод ила Мажнун не билур ишқ рамузин,***
***Ишқ бобида ул шогирдларимки, ўқитубдур,-***

деб ёзса, Фурқат:

***Сендин ўргансун бугун Лайлию Ширин нозни,***
***Ишқни мендин яна Мажнуну Фарҳод, айланай,***

- деб лутф қилади.

Навбатдаги байт:

***Сийнамда чу этди бу кўнгил мулкини вайрон***
***ёндирғали жоним,***
***Энди менга раҳм айлабон, эй дилбари барно,***
***қилғил ани обод.***

Бу Алишер Навоийнинг машҳур байтини эсга солади:

***Тиғ ила пайконларинг етти кўнгул бўлғоч хароб,***
***Сув қуюб, тухм эктинг,***
***ул кишварни вайрон айлагач.***

Маълум бўладики, ишқ аввал кўнгилни хароб айлаб, кейин уни обод қилади. Ахир, деҳқон ҳам дастлаб ерни обдон ағдариб, кейин унга экин экади-да!

***Чокар ғами ишқингда қачон бўлса гирифтор,***
***ишқ ичра балокаш,***
***Дардига ани шаҳди лабинг қилдиму даво,***
***эй қомати шамшод?!***

Бу ерда шамшод - баланд бўйли, хушқомат дарахт. Қизларнинг қоматини унга нисбат берадилар.

Шундай қилиб, Чокар мумтоз адабиёт анъаналарини ижодий давом эттириб, ўзининг улуғ салафларига эргашиб, муҳаббат мавзуида гўзал бир мустаҳзод ижод қилганки, ярим асрдан ортиқ муддат мобайнида унинг ҳофизларимиз томонидан севиб куйланиб келаётгани ва халқимиз томонидан ҳам мароқ билан тингланаётгани фикримизнинг исботидир.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

*2002 йил-Қарияларни қадрлаш йили*

## ОТА СЎЗИ ВОЖИБ ФАРЗАНДГА МУДОМ

*Мақтаниш ҳиссидан йироқман асли,*
*Халқим хуш кўрмагай ҳамду санони,*
*Ва лек жаҳон ичра ўзбегим каби*
*Ҳеч ким эъзозламас ота-онани.*

*Юртимда кексалар қадри сарбаланд,*
*Улар ҳеч қаерда бўлмайди маҳтал.*
*Катта йўлни кесиб ўтмайди ёшлар,*
*Қариларнинг жойи тўрда ҳар маҳал.*

*Отасидан аввал фарзанди таом—*
*Емагай, собитдир меҳру оқибат.*
*Ота сўзи вожиб фарзандга мудом,*
*Ҳар битта дуоси бўлгай ижобат.*

*Бузруквори уйда бўлса ҳеч фарзанд*
*Чиқа кўрмас асло томнинг бошига.*
*Зинҳор ўғил юрмас отадан олдин,*
*Тахтидан ҳам тушар унинг қошида.*

*Отадан ҳам улуғ устоз деган ном,*
*Унинг ҳар бир сўзи—темир қоида.*
*Пири муршидларга чексиз эҳтиром,*
*Буюк Темур ётар устоз пойида.*

*Дуо билан элим, ёмғир-ла ерим,*
*Кундан-кун кўкариб, бўлмоқда обод.*
*Ҳаёт завқи билан қайноқдир дилим,*
*Сенга елкадошман музаффар ҳаёт.*

*Дуога қўл очинг, тинч бўлсин дунё,*
*Ҳар дил меҳробидан порласин офтоб.*
*Мангу қарор топсин муҳаббат, вафо,*
*Садоқат, саодат, саховат, савоб.*

**Мирза ҚАЙНАРОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



## САДОҚАТ ТАНТАНАСИ

Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрида италиялик машҳур драматург Карло Гоццининг «Қирол Буғу» («Икки мўъжиза») асари асосида саҳналаштирилган спектакл премьераси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, режиссёр Олимжон Салимов саҳналаштирган ушбу асарнинг «Икки мўъжиза» деб аталгани бежиз эмас. Унда Қирол билан унинг ўнг қўл вазири ўртасида турли зиддиятлар, келишмовчиликлар юз беради. Вазир Қиролнинг севгилисига хиёнат қилиш пайида бўлади. Лекин охир-оқибат икки мўъжиза, яъни, муҳаббат ва садоқат хиёнат ва ёлғон устидан тантана қилади.

Асарга Италиянинг таниқли композитори Мауризио Магри куй басталаган.

**(ЎзА).**

*Бу турфа олам*

***Қайси ўзбек хонадонида бўлманг, энг аввал бир парча ерида очилиб турган гулларга кўзингиз тушади. Ёки хиёбонлару истироҳат боғларимиз, оромгоҳларимизни ҳам сон-саноқсиз турдаги гуллар безайдики, уларни кўриб, беихтиёр, завқланасиз, қалбдан энтикасиз. Севги-муҳаббат тимсоли сифатида тўй-шодиёналаримизда дастурхонимиз ўртасига қўйилажак гуллар эса инсон қалбини гўзаллик билан безайди, гўё.***

## АТИРГУЛ
### ҳидига тўйинган ҳаво кишини ҳатто ҳалок этиши мумкин

Ҳайратланарлиси, юз минглаб турдаги гиёҳ, бўта кўринишидаги ёки дарахтларнинг гуллари бир-бирига ўхшамайди, ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди. Улар катта-кичиклиги, кўриниши, тузилиши, ҳиди, умри, кимёвий таркиби, чидамлилиги билан фарқланади. Айни шу жиҳати билан ҳам гуллар узоқ ўтмишдаёқ одамлар қизиқишига сабаб бўлган. Тарихий манбаларда келтирилишича, қадимги Римда марҳумларни хотирлаш учун ёз бошида атиргул куни ўтказилган. Империянинг сўнгги даврларида атиргул безак сифатида ҳаддан ташқари кўп ишлатилган. Обрўнинг юқорилиги атиргул мўллиги билан белгиланган. Обрўли меҳмонлар иштирокидаги йиғинларда тўхтовсиз тарзда минглаб атиргул тожбарглари ёғдириб турилган.

Яна ажабланарлиси шуки, тарихда атиргулдан ўлдирувчи қурол сифатида фойдаланиш ҳолатлари ҳам бўлган. Чунончи, император Гелиогабал ўзига яқин кишилар орасида душман бор, деган шубҳа остида барча яқинларини меҳмонга таклиф этади. Меҳмонлар залга кирганларидан сўнг барча эшиклар беркитилиб, уларнинг устидан беҳисоб атиргул тожбаргалари ёғдириб турилиши натижасида залдагилар атиргул ҳиди билан тўйинган ҳаводан ҳалок бўлишган. Маълумки, атиргулнинг хушбўй ҳиди унинг тожбарглари таркибидаги эфир мойларига боғлиқ. Бу модданинг озгинаси кишиларни хушнуд қилиши мумкин, кўпи эса албатта салбий таъсир қилади.

Гулларнинг очилаётган вақтидан то сўлигунга қадар бўлган давр уларнинг умрини белгилайди. Яшил оламда гули энг тез очиладиган, шу билан бирга, энг қисқа умр кўрадиган ўсимлик — бу Амазонка кувшинкасидир. Унинг гули атига 20-30 минут вақт ичида ҳам очилади, ҳам чангланади, ҳам сўлийди. Нилуфардошлар оиласига мансуб бу кўп йиллик ўсимлик Амазонка водийсидаги ботқоқликлар, кўлларда ўсади. Спергула, зиғир, қоқиўт каби ўсимликлар гули эса сал кўпроқ — бир неча соатгина умр кўради. Ўсимликларнинг шундай турлари ҳам борки, уларнинг гуллари тунда, кун ботгандан кейин очилади. Бунга сабаб тунги капалаклар воситасида чангланишдир. Бир кечада чанглана олмаган гулларнинг гул баргчалари кундузи юмилиб, кун ботиши билан яна қайтадан очилаверади. Бу ғаройиб ҳодисани бизга яхши таниш пушти, сариқ рангларда гулловчи намозшомгулда ҳам кузатиш мумкин. Карнайгул эса ҳароратга қараб очилиб-юмилиб туради. Агар кундузи қуёш чиқмаса, карнайгул гуллари эртадан кечгача бир хилда очилиб тураверади. Кузги ҳарорат эса унга таъсир ҳам қилмайди.

Яна шундай ажойиб гуллар борки, улар ўзларининг йириклиги билан кишини лол қолдиради. Масалан, Арнольд раффлезияси ўзининг баҳайбатлиги билан ўсимликлар оламида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ажойиб гулли ўсимликни европалик табиатшунос Жозеф Арнольд биринчи бўлиб (1818-йилларда) ўрганган ва фанга киритган. Яна бир диққатга сазовор гул — Виктория Региядир. Унинг айрим очилган гулларининг диаметри 40 сантиметр, баъзан ундан ҳам ортиқроқ бўлади. Бу гуллар чиройли ва йириклиги билангина эмас, балки бошқа хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради. Сув тагидаги ёш ғунча очилиши олдидан сув бетига чиқади ҳамда уч сутка давомида очилиб туради. Гуллари одатда кечқурун очилиб, тонг отиши билан юмилади. Биринчи куни, оқ ғунча гуллар очилиши билан пушти рангга киради. Иккинчи куни очилганида улар тўқ қизил рангда бўлади ва ниҳоят учинчи куни оч қизил рангга айланади. Гуллар тожбаргларини тўка бошлаши билан секин-аста ўзини сув остига олади ва мевага киради. Маълумотларга қараганда, очилаётган гулнинг ташқарисидаги ҳарорат гулкоса ичидаги ҳароратдан 10 даража паст бўлар экан. Бу ҳол ўсимликнинг ҳаво салқин пайтларда ҳашоратларни ўзига жалб этиши учун мослашишидандир.

**Марҳамат МАТВАФОЕВА,**
**ЎзФА «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази илмий ходими.**

*Шоҳмот*

## Рустам Қосимжонов финалга чиқди

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ўтказилаётган жаҳон кубоги босқичида қатнашаётган ўзбекистонлик иқтидорли шоҳмот устаси Рустам Қосимжонов биринчи бўлиб финалга йўлланма олди.

Ҳамюртимиз ярим финал баҳсида Словения вакили Александр Белявский билан куч синашди. Биринчи партияда шоҳмотчилар дурангга рози бўлган бўлса, иккинчисида оқ доналар билан ўйнаган Р.Қосимжонов ғалаба қозонди - 1,5:0,5.

Энди спортчимиз иккинчи ярим финалда куч синашаётган россиялик Алексей Дреев ва ҳиндистонлик собиқ жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд баҳсида ғолиб чиққан шоҳмотчи билан куч синашади.

**(ЎзА).**



*Кумуш қишдан, зумрад баҳордан*
*Қолишмайди кузнинг зийнати...*




*Турган-битгани мўъжиза*

## СИЗ ҚАНДАЙ ЎЙНАРДИНГИЗ?

Бугун эътиборингизга ҳавола этмоқчи бўлганимиз мазкур этюд китобхонларга яхши таниш бўлган «Ёнар орол»га ўхшаш ўнлаб ажойиб фантастик романлар яратган машҳур ёзувчи А.Казанцев томонидан тузилган. У ФИДЕ бутун жаҳон шоҳмот Федерациясининг шоҳмот олимпиадасида олтин медал билан тақдирланган. Этюднинг ҳақиқатдан ҳам ана шундай юксак мукофотга муносиб эканлигига унинг ечимини кўриб ўзингиз тан берасиз. Ҳар ҳолда бу этюд биз билган шоҳмотчилар этюдлари орасида энг ажойибларидан. Зеро, шоҳмотнинг бутун жозибасини ўзида яққол намоён эта олган нодир намуналардан биридир.





Этюд ўн юришда ҳал бўлади. Шу ўн юриш давомида тахтада шиддатли «жанг» олиб борилади. Хўш, сизнингча бу жараёнда оқлар ва қоралар нималарни хаёлдан кечиришдийкин, қандай изтироблар чекдийкин, нималарни ҳис қилдийкин? Биринчи юриш оқлардан, пиёда е7га юради. Қоралар қандай жавоб беради? Дарвоқе, 2-диаграммадаги ҳолат этюднинг якуни ҳисобланади.

Азиз шоҳмот мухлислари, бор маҳоратингизни ишга солиб қолган юришларни қилиб кўринг-а?

**Анвар ИНОҚОВ,**
**шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод.**

*Келинг, бир кулишайлик*

**Герберт КЕМОКЛИДЗЕ**

## ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ОИЛА

Яқиндагина Каблуков билан ёнимиздан ўтган «Москвич» ва «Жигули»ларга қараб хўрсиниб қўярдик. Мен ҳали ғилдиракнинг учдан бирига пул тўпламасимданоқ рулда ўтирибди, ёнида хотини— худди уйидагидай бемалол бир нима тўқиб кетаяпти.

— Каблуков! — ҳайратланиб қичқирдим. — Яшавор-ей. Қачон улгура қолдинг.

Каблуковнинг хотини тўқишдан тўхтаб, шошибгина менга қараб қўйди, сўнгра яна ишини давом эттирди. Каблуков бўлса хурсанд жилмайди ва деди:

— Жуда оддий. Оиламиз эндиликда хўжалик ҳисобига ўтган.

— Буни қандай тушуниш керак, — таажжубландим мен.

— Илгари уйимизда ҳамма ишни текинга қилардик. Энди эса бунинг учун бир-биримизга амалдаги тариф бўйича пул тўлаймиз. Бу ташаббускорликни рағбатлантиради.

— Шошма, қандай иш учун? Ким учун?

— Ҳар қандай. Масалан, илгари хотиним тушлик тайёрлаётганида мени столга таклиф қилгунча бекор ўтирардим. Энди ўзим унга ёрдамлашишга ҳаракат қиламан. Шунинг учун менга тушлик билан бирга тўланадиган пул суммаси кўрсатилган ҳужжат — тўловнома тақдим қилганда, мен ҳам унга гўшт тўғраганим, пичоқни қайраганим, консерва банкаларини очганим учун тўловнома кўрсатаман.

— Ёки бўлмасам, хонадонни йиғиштириш, — илиб кетди Каблуковнинг хотини, — мен унга пол ювганим учун, у менга гиламни қоққани учун тўловнома тақдим қиламиз.

— Мен ямоқчиликни ҳам ўрганиб олдим, — мақтанди Каблуков. — Хотиним мендан тикканлиги учун олади, мен ундан оёқ кийимларини таъмирлаганим учун...

— Илгари кир ювганимда уни кирларни ёйишга мажбур қилиб бўлмасди, — қўшимча қилди хотини. — Энди эса унинг ўзи қўлимдан тортиб олади.

— Дўконга ким боради, деб тортишишларга ҳам чек қўйилди, — тўлдирди Каблуков. — Биз болаларимизни ҳам хўжалик ҳисобига тортганмиз, тўғрироғи, уларни бўлишиб олганмиз, ҳар ким ўз «боласи»нинг дарслари билан шуғулланади. Болаларимиз умумий бўлганлиги учун ҳам бир-биримизга дарсларни тайёрлашга кўмаклашганимиз учун ҳам ҳақ тўлаймиз.

— Кечирасизлар, — дедим ҳайрон бўлиб, — мен ҳеч нарсага тушунмаяпман. Пулни бир чўнтакдан бошқасига олиб солишдан нима фойда? Жамғарма қаердан пайдо бўлади.

— Биз ҳеч нарсани бир чўнтакдан бошқасига солмаймиз! — қичқиришди эр-хотин, — бир-биримиздан олинган пулни умумий ақчадонга соламиз.

— Ҳа, унда нима ҳисобига яшайсизлар?

— Қўшимча ишлаб пул топамиз!

Хотиним уйда тўқишга иш олади ва бўш вақтида тўқийди. Мен эса вокзалга сухандон бўлиб жойлашдим — ишбай ҳақ оляпман.

Каблуковнинг хотини бирдан чўчиб тушди, эрига ғазаб билан қараб деди:

— Ҳа, айтганча, мен ҳам гаплашяпман, ҳам тўқияпман, сен бўлсанг вақтни беҳуда йўқотяпсан. Мана шу ўн дақиқа ичида сен вокзалда ўн бешта поезднинг келганини эълон қилишинг мумкин эди.

— Жуда тўғри, оқилагинам! — чапак чалди Каблуков. — Гапни қисқа қиламан. Вақтида эслатганинг учун сени ўпиб олишга рухсат бер!

— Юз сўминг борми? — сўради хотини.

Каблуков саросимага тушиб чўнтакларини титкилашга тушди, қоқиштириб қирқ тийин, кейин яна икки тийинни топди.

— Уни юз сўмга олиб бориб қўяқол, — маслаҳат берди хотини кўзи билан мени кўрсатиб.

Каблуков мени машинасида уйимгача элтиб қўйди ва пулни олиб, хотинини оҳистагина нақ юз сўму қирқ икки тийинлик ўпиб олди.

**Ҳабиб СИДДИҚ таржимаси.**



## СКАНВОРД

*1.Агата... 2.Олмон адиби. 3.Денгиз жонивори. 4.«Зумрад ва...». 5.Нав. 6.Севинч. 7.Тарз, йўл. 8.Чангак. 9.Оҳанг, куй. 10.Мол-дунё. 11.Қалин қоғоз. 12.Ибрат, ўрнак. 13.Кимёвий элемент 14.Пул бирлиги. 15.Жўхори овқат. 16.Сарқит, ортиқ. 17.Австралиядаги порт. 18.Россиядаги дарё. 19.Устоз спортчи. 20....Холмс. 21.Мали пойтахти. 22.Ўзбек элати. 23.Достон йигит. 24.Ихтиро ҳужжати. 25.Одобли «мен». 26.Дарахт. 27.Товуқ таом. 28.Колхоз — ... дарёси (мақол). 29.Шеър вазни. 30.Ёпқич. 31.Африкадаги давлат. 32.Тропик мева. 33.Спорт тури. 34.Бино «склети». 35.Амал. 36.Табақа. 37.Тоғ жинси. 38.Енисей ирмоғи. 39.Мадҳия. 40.Радио ходими. 41.Ширинлик. 42.Мўътабар зот. 43.Буюк рассом. 44.Углерод тури. 45.Осиёдаги тоғ. 46.Супурувчи. 47. Ғала-ғовур. 48.Қашқадарёдаги туман.*

**Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ.**

## УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИШМОҚДА

«Германия — Ўзбекистон» жамияти йўли билан кўрилаётган маърифий тадбирлар республикамизда халқ таълими тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Немис тилини ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар жамияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Кейинги йилларда бундай билим ўчоқларига 60 га яқин компьютер мажмуаси, бир неча принтер, факсимал алоқа аппарати, дискетлар совға қилинди. Германиядан келтирилган дарслик ва қўлланмалар ўқув адабиётлари бўлиб хизмат қилмоқда. Жамият саъй-ҳаракати билан Тошкентдаги 60, Самарқанддаги 51, Марғилондаги 6-мактаблар Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳомийлигига олинди. Бу билим ўчоқларини бу йил битирган иқтидорли ўқувчилардан бир неча нафари Германиядаги олий ўқув юртларида ўқишга қабул қилинди.

**А.АЛИЕВ.**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 22.35

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

*Тиражи:* 9730 Буюртма Г— 919. 1 2 3 4 5 6